



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI BOG'OT TUMANI HOKIMINING QARORI

Бог'от shaharchasi, Ўzbekiston ko'chasi, 18-uy

2021-yil 22 - aprel

300 n -son

Бог'от shaharchasi

Мархума Рўзметова Тўхтанинг турар жой
биносига бўлган эгалик ҳуқуқини
белгилаб бериш тўғрисида

Богот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида яшовчи фуқаро Рўзметов Рамат Рахимовичнинг мархума онаси Рўзметова Тўхтанинг “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган турар жой биносига бўлган эгалик ҳуқуқини белгилаб беришни сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2021 йил 27 мартдаги ШЯ-Р-1360-сонли аризасини, “Кулонқорабоғ” маҳалласи фуқаролар йиғини маълумотномасини ҳамда Кадастр агентлигининг давлат кадастрлари палатаси Хоразм вилояти бошқармасининг Богот туман филиалининг 2021 йил 25 мартдаги 984-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Фуқаролик кодекси”нинг 187-моддасига, “Уй-жой кодекси”нинг 22, 23-моддаларига, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 10 ва 25-моддаларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сонли қарори билан тасдиқланган “Уйлар ва турар жойларни уй-жой фондига киритиш тартиби тўғрисида”ги Низомга асосланиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Богот тумани “Кулонқорабоғ” маҳалласида жойлашган 7 (етти)та хонадан иборат, яшаш хоналари 4 (тўрт)та бўлиб, ички ўлчами 82,95 квадрат метр, ёрдамчи хоналар 3 (уч)та бўлиб, ички ўлчами 120,45 квадрат метр, жами хоналарнинг ички ўлчами 203,40 квадрат метр, қурилиш ости майдони 212,22 квадрат метр, умумий ер майдони 1331,5 квадрат метр ушбу турар жой биносига нисбатан мархума Рўзметова Тўхтага мулк ҳуқуқи асосида унга эгалик ҳуқуқи белгилаб берилсин.

2. Мархума Рўзметова Тўхтанинг меросхўрлари ушбу турар жойи биносининг ер майдонидан бошқа мақсадларда фойдаланганда ҳамда келгусида янгидан қуриши ёки қайта реконструкция қилиши, қўшимча хоналар ёки бошқа бино ва иншоотлар қурилиши учун белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишмаган ҳолда амалга оширганда Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 36, 38-моддаларига асосан ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқи тўхтатилиши тўғрисида огоҳлантирилсин.

3. Марҳума Рўзметова Тўхтанинг меросхўрларига ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ушбу турар жой биносини давлат рўйхатидан ўтказиш мажбурияти юклатилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А.Курьязов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими



Ш.Яхшибаев